

OBILA DAVTRASIDA

№ 42 (388)
2019 - yil
10 - oktabr
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqib boshlagan.

МИЛЛАТ НОМУСИ

«Давлат тили ҳақида»ги
Қонуннинг қабул
қилинганига

30

йил бўлди



УМРАГА БОРИШ
қанчага арзонлашди?

2-бет



Эҳтиёт бўлинг,
оёқ остидаги
ПУЛЛАР УВОЛИ

4-бет



ФАРЗАНД
«УРИНИШИ»
аянчли якун топди

5-бет



2059 йил.
Тошкентда
ИНТЕРНЕТ
ТУИ

4-бет

Дарз кетаётган
ДУНЁ

8-бет

Тахририятга мактуб

«УСТОЗЛАРГА ЧИН ЭХТИРОМНИ ТУЙДИК»

Шундай касб эгалари борки, улар доимо эъзозда, ҳурмат ва эътиборда. Улар устоз ва мураббийлардир. Улар мурғак қалб эгаларининг қўлларига қалам тутқазиб Ватан ва Она сўзларини ёзишни ўргатади. Келажак бунёдкорлари, Ватан фидойиларини ўқитиб тарбиялаб вояга етказишади.

Биз ўқитувчиларни қалби дарё, юраги бардошли, меҳрга бой, билимга кон, ақлан теран ва доимо изланувчан инсонлар десак янглишмаймиз. Сабаби, ҳозирги замон талаби даражасида ўқувчиларга пухта билим бериш ўқитувчига доимий изланиш вазифасини юклайди.

Кунги кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўқитувчи ва мураббийларга байрам табригини катта ҳаяжон билан тингладик. «Ўзбекистонда энг обрўли инсон муаллим бўлиши керак», деган сўзларидан кўзимизга ёши келди. Бизнинг Учтепа туманидаги «Бешиқрағоч» маҳалла фуқаролар йиғинида бундай қалби кенг, ўз ишининг моҳир устаси бўлган ўқитувчилар кўп. Шокир ака Салимов, Мухтабар Обидова, Тожихон ая Валижонова, Маъсуда Мирдадаева, Анвар Акмалов, Рафиқа Собирова, Малика Шаропова, Шухрат Тўхтаев, Ҳамидо Ҳайдарова, Жуманазар Ҳасанов, Турғун ака Зиёев, Шоира Маликова шулар жумласидандир. Маҳалламизда истиқомат қилаётган эллик нафарга яқин ўқитувчиларнинг ҳақмаси 40-50 йиллик таърибига эга мўтабар инсонлар. Улар таълим-тарбия берган ёшлар ҳозирда турли шарафли вазифаларда хизмат қилишмоқда. Улар орасидан профессорлар, фан номзодлари, турли соҳаларнинг раҳбарлари, ижодкорлар, тадбиркор-ишбилармонлар етишиб чиққан. Устозларнинг бахти ўз шогирдлари саодатида эканини бугун ҳар бир педагог чин дилдан ҳис қилмоқда.

Бир умр халққа хизмат қилиб яшаш, ўз меҳнати ҳосилини кўриб, ўтган умрдан, қилган меҳнатидан рози бўлиши инсонга чинакам бахтиёрлик баҳси этади.

Манзура РАҲМАТУЛЛАЕВА,
меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Сайлов – 2019

Округ сайлов комиссияси сайлов участкаларининг тартиб рақамини белгилайди ҳамда телефон рақами, жойи ва овоз бериш биносини кўрсатган ҳолда сайловчиларни ҳар бир участканинг чегаралари тўғрисида хабардор этади.

Халқ учун

«УМРА - 2019» ЗИЁРАТИ ЯНА АРЗОНЛАШДИ

Жорий йил Умра мавсуми учун сарф-харажатлар сметаси лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ҳар бир зиёратчидан олинадиган маблағ ўтган Умра сафари тўловидан 150 минг сўм арзонлаштирилган. Зиёратчилар 11 миллион 450 минг сўм тўлаб муборак зиёратни амалга оширишлари мумкин. Бухарда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридики Дин ишлари бўйича қўмита томонидан ўтказилган «Умра – 2019» мавсуми бўйича брифингда маълум қилинди.

Мамлакатимизда мўмин-мусулмонлар ўз ибодатлари, диний маросимларини эмин-эркин адо этиб, ҳар йили минглаб юртдошларимиз Ҳаж ва Умра ибодатларига қатнашиб келмоқда. Фуқароларимизнинг мукаддас зиёратни адо этиши учун Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Умра сафарига борувчи зиёратчиларнинг сонини белгилаш бўйича чекловлар олиб ташлангани фуқароларимизни янада қувонтирди.

Авваллари фуқароларимиз Умра сафарига бориш учун йиллаб навбат кутишар, бошқа йўллар билан бориш имкониятларини кидиришар эди. Эндиликда ортқча оврагарчилик ва югур-югурларга барҳам берилди.

Ўтган йилдан буён зиёратчиларимизга Мадина шаҳрида «Масжидун Набавий»дан 50 метр узоқликда жойлашган беш юлдузли «Пулман Зам-зам», Макка шаҳрида эса «Масжидул ҳарам»дан 600-650 метр узоқликдаги тўрт юлдузли «Аб-роҳ ал-Кисва» меҳмонхонаси хизмат кўрсатмоқда.


Жорий йил сентябрь ойидан бошлаб Саудия Арабистони Подшоҳлиги Ҳаж ва Умра ишлари вазирлиги томонидан ҳар бир зиёратчи учун қўшимча 132 АҚШ долларни миқдорига маблағ ажратилмоқда. Келишувга кўра, мазкур қўшимча маблағ Умра зиёрати учун жорий йил ноябрь ойидан бошлаб тузиладиган кейинги шартномада қўшилиши белгилаб олинди.

Шунингдек, Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги ҳамкорлар томонидан ўзбекистонлик зиёратчиларни қутиб олиш ишлари ниҳоясига етган ва улар учун барча шарт-шароитлар ҳозирлаб қўйилган.

Жумладан, ҳар бир зиёратчи учун тўланадиган маблағ ичиде Саудия Арабистони Подшоҳлиги расмий визаси, Тошкент – Жидда – Тошкент йўналиши бўйича авиачипта, Макка ва Мадина шаҳарларидаги 5 ва 4 юлдузли меҳмонхона, таомлар, сархил мевадар, ширинлик ва салқин ичимликлар камраб олинган. Шунингдек, 24 соатлик бепул тўйлик тиббий хизмат, мамлакатимиз рамзлари туширилган махсус нимча ва сумка, Умра қўланмаси (китоби), бейжик, қўл тасмаси, вакцина, замонавий транспорт ҳамда бошқа зиёрат хизматлари киритилган. Зиёратчиларимиз учун меҳмонхоналарда юқори даражадаги сервис хизмати йўлга қўйилди.

ОЛИМЛАРИМИЗ ИХТИРО ВА КАШФИЁТЛАРНИ ТУШЛАРИДА ҚИЛИШМОҚДАМИ?

Интернет саҳифаларига назар солганимизда дунё хабарлари ичиде хорижий олим ва мутахассисларнинг қандайдир ноёб кашфиётлари ёки фанда эришган ютуқларини ўқиб қоламиз. Бундан гоҳида ҳайратлансак, гоҳида неча бизнинг олимлару фан докторларнинг кашфиётларини билмаймиз, деган ҳаёлга борамиз, дейишди ЎЗА чоп этган мақолада.



Ривожланган давлатларда илм-фанга эътибор кучли эканлиги, улар эришяётган инновацион ютуқлар ҳамда ихтиро ва кашфиётларнинг яратилаётганининг гувоҳи бўлиб бораёмиз. Хўш, мамлакатимизда бу борадаги ишлар қай аҳволда? Илм-фан ва инновациялар ривожига ҳисса қўшаётган олимлар, мутахассислар, фан намоёндаларининг номларини хорижий ОАВлар у ёқда турсин, хатто маҳаллий нашрларда ҳам деярли учратмаймиз. Бунга қандай монеъликлар бор ёки бизда кашфиётчилар йўқми?

Аслида каттарок ёшли олимларимизнинг кўпчилиги собиқ иттифок даврида ўқиганлигини ҳисобга олсак, мустақиллик йилларидаги «ўттиш даври»ни баҳона қилишга сабаб ҳам қолмайди. Шундай экан, бизнинг олимларнинг чорак аср давомида «ухлашгани», «ухлатиб» қуйилгани англашилади.

Бу жумбоқли сиебат замирида тушунариз мақсаднинг амалга оширилиши натижасида на илм-фанда, на иктисодиётда

ривожланиш бўлди.

Бугун Президентимиз томонидан бошлаб берилган ошқора бошқарув сиебати жуда кўп соҳалардаги камчиликлар ва муаммоларни жамоатчиликка маълум қилиб бормоқда.

Бой берилган имкониятлар, ҳавога созурилган имтиёзлар қанча экан?

Бюджетимиздан илм-фанни ривожлантиришга ажратилаётган триллионлаб маблағлар фақатгина таълим беришнинг турли босқичларидаги сарфи сифатида кўрсатилади.

Фанлар академиясидаги институтлар, турли инновацион марказлар, хорижий университетларнинг мамлакатимиздаги филиаллари томонидан яратилган ихтиро ва кашфиётлар, ишланмалар ва илмий ечимлар бир-бирини такрорлашдан нари ўтмаётганини қандай изохлаш мумкин?

Иктисодиётимизда аграр соҳанинг улкан иштирокини билган ҳолда, кишлоқ хўжалиги ва унга яқин соҳаларнинг иш самарадорлигини ошириш бо-

расида ҳеч қандай инновацион ечим йўқлиги сабаб ҳозиргача чет эл техникаси учун миллионлаб доллар сарфляпмиз.

Аграр соҳанинг иктисодиётимизга қўшаётган улушининг устувор эканлигини, аксарият халқимизнинг тирикчилик манбаи кишлоқ хўжалиги билан боғлиқлигини инобатга олиб, мазкур соҳада инновациялар, инвестициялар, технология марказларни кенг жалб этган ҳолда дон ва гўшт маҳсулотларининг бозорларимиздаги қимматлашувига барҳам берилиши зарур.


Олимларимиз «ухлаш вақти» ўтганини балки энди англашар?

Президентимиз ишлаб чиқариш ва фан уйғунлигини таъминлаш зарурлигини кун тартибига долзарб вазифа қилиб қўйганига ҳам бир неча йил бўлди.

Халқимиз ушбу вазифанинг натижаларини кўриш вақти келди!

Шухрат НЕЪМАТОВ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ СОҲАСИГА ХАЙРИЯ УЧУН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ



Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 октябрдаги 839-сонли қарори билан давлат мактабгача таълим ташкилотларига ҳомийлик шаклида хайрия фаолияти билан шугулланувчи юридик шахслар учун солиқ имтиёзлари белгиланди, дейилади ЎЗА хабариде.

Ушбу турдаги давлат-хусусий шериклик шартномаси камида бир йил муддатга тузилади ва танланган МТТга мунтазам равишда хайрия ёрдамини кўрсатишни кўзда тутатади.

«Умид қиламизки, солиқ имтиёзларнинг тақдим этилиши хайрия фаолияти учун самарали рағбат бўлади. Солиқ имтиёзларидан ташқари, хайрия компанияси ўз ходимларининг фарзандларини ҳомийлик қиладиган МТТга йўналтиришда устуликка эга бўлади», – деди мактабгача таълим вазири Агриппина Шин.

МТТга ҳомийлик шаклида хайрия фаолиятини амалга оширадиган хайриячилар қуйидаги солиқ имтиёзларига эга бўлади:

- Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблашда ҳаражатлар қириб ташланади;
- товарларни (ишларни, хизматларни) текин бериш ҚҚС ва ЯСТга тортилмайди;
- товарларни (ишларни, хизматларни) таннархидан паст нархда сотишда амалдаги сотиш нархидан келиб чиккан ҳолда ҚҚС ҳисобга олинади.

МИЛЛАТ НОМУСИ

Унинг қисмати мамлакатнинг ҳам, миллатнинг ҳам тақдирига дахлдордир

Бу йил «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинганга ўттиз йил тўлади. Бу санани алоҳида нишонлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини кўнгилдан нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор она тилимизга кўрсатилаётган юксак муносабатнинг яна бир намунаси бўлди. Айниқса, юртимизнинг ҳар бир ҳудудида ушбу сананинг махсус байрамона тарзда ўтказилиши, ўтказиладиган тадбирларда она тилимизнинг ривожига жиддий эътибор қаратилиши айни муддаодир.

Тил учун қайғуриш, унинг софлиги учун ҳаракат қилиш бу бир кишининг қўлидан келадиган иш эмас. Бунинг учун ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиши зарур. Бу ҳаракатнинг негизда эса она тилига бўлган ҳурмат-эҳтиром ётади. Шу маънода мазкур қарор жамиятда тилимиз мавқеини яна бир бор таъкидлашга омил бўлди.

«Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинганга ўттиз йил тўлган бўлса-да, ҳалигача давлат тили ҳамда ўз она тилини «унутиб», бошқа тилда иш юритадиган тизимлар йўқ эмас. Банк тизими, бухгалтерия, алоқа-коммуникация каби қатор соҳаларда ҳалигача халқнинг саломига ажнабийча алик бўлиб келинаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу йил она тилимизга давлат тили мақоми берилган санани давлат миқёсида нишонлаш шу каби баъзи бир тизимларни ҳам ўттиз йиллик уйқудан уйғотса, ажаб эмас.



Алишер Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн»да тилимизда ишлатиладиган баъзи сўзларга бошқа тилда умуман муқобил йўқлигини, баъзи ҳолларда эса бошқалар бизнинг сўзимиздан фойдаланишини, ҳатто бошқа тилда ишлатиладиган битта сўз бизда турли маънолар фарқлайдиган етмишта сўз билан ифода қилинишини кўрсатиб ўтган: «Яна гизо ва ҳар таомки, еса бўлур, егулик дерлар ва сорт элининг қўли, балки барчаси емакни ҳам ва ичмакни ҳам «хўрдани» лафзи била адо қилурлар. Ва улук қардош ва кичик қардошни иккаласин «бародар» дерлар ва турклар улугни – «ога» ва кичикни «ини» дерлар. Ва алар улуг, кичик қиз қардошни ҳам «хўхар» дерлар. Ва булар улугни – «эгачи» ва кичикни «сингил» дерлар. Ва булар отанинг ога-инисини «абога» дерлар. Ва онанинг ога-инисин – «тағойи» ва алар ҳеч қайсиёта от тайин қилмайдулар ва араб тили била «ам» ва «хал» дерлар. Ва кўкалтошни туркча тил била дерлар. Ва атка ва энагани ҳам бу тил била айтулар».

«БИРДАМЛИК ЗАРУР»

Юлдуз МУҲАММАДИЕВА,
катта илмий
ҳодим

— Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгач, ўтган ўттиз йил давомида анча-мунча ютуқларга эришилган бўлса-да, ҳали олдимизда ечимини кутаётган масалалар ҳам кўп. Шулардан бири имло масаласи. Имлодаги беқарорлик тилнинг мукамаллигига путур етказди. Биз ҳали янги имло масаласидаги саволларга тўла жавоб топа олганимиз йўқ. Узоқ йиллардан бери бу масала охирига етмай келяпти. Масалан, оддийгина сўзларнинг ёзилишида ҳам турли тафовутларга дуч келаемиз. Бир жойда «sentabr», яна бошқасида «sentyabr» деб ёзиш ҳалигача давом этапти.



Она тилимиздаги бу каби ҳолатларни бартараф этиш учун янада бирдам бўлишимиз керак. Шундагина муаммоларга биргалликда ечим топа оламиз.

МИЛЛАТ РУҲИАТИНИНГ КЎЗГУСИ

Комилжон ҲАМРОЕВ,
филология фанлари бўйича фалсафа
доктори



— Ўзбек тили давлат тили сифатида юридик мақомга эга бўлиши билан миллатнинг руҳияти, ўзлиги сақлаб қолинди. Сабаби, бошқа бир тилни қабул қилиш инсондан қайсидир маънода ўша халқнинг руҳиятига ошно бўлишни ҳам талаб этади. Миллий тилимиз воситасида миллийлигимиз ҳам сақлаб қолиниши катта муваффақият бўлди, дейиш мумкин. Ўтган йиллар ичида жаҳонга тил борасида ҳам нималардир бера олдик. Масалан, жаҳон майдонларида бизнинг «қураш», «чала», «ёнбош» каби сўзлари-

миз жаранглаши, бошқалар шу сўзларни эшитиб, уларга амал қилиб келаётгани бизнинг ютуғимиз эмасми?!

Она тилимиз кўп асрлик илмий-маънавий меросимизга яна қайта эгаллик қилиш ҳуқуқини берди. Бундай асарларнинг кўпчилиги бугунги имлода нашр қилинди ва уларни халқимиз ўқияпти. Ўзбек тилининг давлат тили бўлиши бизга ота-боболаримиз қолдирган меросга чинакам ворислик ҳуқуқини берди.

Шу билан бирга, она тилимиз бугунги замон билан ҳамнафас бўлишга чоғланипти. Компьютер лингвистикаси, компьютер тилини яратиш каби илмий лойиҳалар, талқикотлар олиб борилапти. Буларнинг ҳаммаси она тилимиз жаҳонда ўз ўрнига эга, эътиборга муносиб тил эканини яққол кўрсатиб турибди.

Тилимизнинг мавқеини бундан-да ошириш эса бугун ҳаммамизнинг вазифамизга айланиши керак. Аввало, жамияти она тилимизга бўлган эъзозини сақлаш, унинг кадрини баланд тутиш, унга ҳурматсиз муносабатда бўлма-ликнинг ҳуқуқий-норматив асосларини ишлаб чиқиш керак. Уларга аниқ ва бир хилда риоя қилинишини таъминлашнинг амалий механизми ишга тушиши зарур.

Масалан, бугун кўпчилик хорижий тил бўйича махсус сертификатга эга бўлишга интиляпти. Улар ўз она тилларини қай даражада билади ва ҳурмат қилади? Уларнинг ўз она тилига муносабати қандай? Нега одамлар ўзбек тилини эмас, бошқа бир хорижий тилни мукамал эгаллаш бўйича қаттиқ ҳаракат қилапти? Сабаби, бугун ўзбек тилини зўр билганга эмас, хорижий тил бўйича мутахассис бўлганга жамиятнинг қарashi бошқачароқ. Керак бўлса, уларга айрим имтиёзлар-устаналар ҳам жорий қилинган. Тил ўрганишни рағбатлантириш яхши албатта. Лекин унинг ўз она тили — давлат тилидаги саводхонлиги, унга муносабати масаласи ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. Нега ўзбек тилини мукамал билганларга тил ўрганишда стимул бўлаётган даражалардан ҳам юқори мақомлар — керак бўлса, сертификатлар — жорий қилмаймиз? Нега ҳалигача хорижий тилни биладиганларга қарашимиз бошқача? Менимча, бу масалаларни ўйлаб кўриш керак.

Таълим тизимида тил ўрганиш борасида амалий усулларга ўтиш вақти аллақачон келган. Мактаб ўқувчисига умри давомида деярли керак бўлмайдиган тилшуносликнинг назарий қоидалари ўрнига ижтимоий ҳаётда ёки танлаган мутахассислиги юзасидан зарур бўладиган жонли тил хусусиятларини, энг муҳими, ўз фикрини ўз она тилида оғзаки ва ёзма шаклда бемалол ифода эта олиш кўникмасини ўргатишимиз керак. Кўпчилик оғзакида бинойидек гапирди, лекин шу фикрини ёзма ифода этишга қийналади. Ўз вақтида олди олинмаса, бу жамиятда бошқа муаммоларни ҳам келтириб чиқаради.

«Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш она тилимизга ҳурмат кўрсатиш, уни авайлаб-асраш йўлида қилиниши зарур бўлган ишлар учун муносиб дебоча бўлди.

ЭҲТИРОМ РАМЗИ

Севара ХУДОЙБЕРДИЕВА,
таълиқ докторант

— Мен «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарордан бениҳоя хурсанд бўлдим. Ўзбекистон ҳали давлат мустақиллигини кўлга киритишидан олдин ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган эди. Менинг назаримда, бу ҳодиса давлат мустақиллигини кўлга киритишга ҳам маълум маънода сабаб бўлди.

Ўтган ўттиз йил ичида кўлга киритилган энг катта воқеа, менингча, она тилимизнинг кадри ва қадди кўтарилиб, юксак эътироф этилиб, юқори мақомга лойиқ қўрилгани бўлса керак. Шундан бери ҳамма давлат идораларидаги барча расмий ҳужжатлар давлат тилида юритилапти. Ўзбек тилида яратилган асарлар хорижий тилларга таржима қилиб етказилапти. Ўзбек халқи ўз она тилида яратган асарлари орқали дунёга чиқаяпти. Биз жаҳонга мил-

лийлигимизни шу тақлид кўрсатиш имконига эгаемиз. Бугун ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишининг ўттиз йиллигини кенг миқёсда нишонлашимиз жаҳондаги бошқа давлатлар олдида бизнинг ўз она тилимизга, давлат тилига қанчалик юксак эътибор ва ҳурмат кўрсатаётганимизни намоиш этиб турибди. Бу ҳар бир юртошимиз учун катта фахр-ифтихор бўлса керак».

МЎҒТАБАР ВОРИСЛИК

Тил худди тирик инсон каби жонли ҳодиса. У ҳам турли синовили қунарли бошдан ўтказиши табиий. Лекин ўзбек тилимиз тарихида бир неча бор давлат тили сифатида эъзоз-икром тоғди. Унинг бундай мақомга эришиши ҳазрат Алишер Навоий номи билан ҳам боғлиқ. Бу буюк адиб инсоннинг тилга муносабати қандай бўлиши зарурлигини нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам яққол кўрсатиб, исботлаб бера олган филолий инсон сифатида эътироф этилади. Бугун тилимиз билан боғлиқ қутлуг санада бундай улуг аждодларимиз меросига эҳтиром кўрсатишимиз бизнинг ворислик бурчимиздир. Тил билан боғлиқ муаммоларни фақат гапириб, муҳокама қилиш, кези келганда бу борада жон куйдириб, амалий ишлар қилиш, соҳа ривожига ёрдамчи бўлиш ҳам ворис сифатидаги вазифамиздир.

Шунингдек, бу санани тантанали равишда мамлакат бўйлаб нишонланадиган биринчи навбатда ёш авлод — фарзандларимиз учун жуда муҳим. Улар она тилига муносабат қандай бўлаётганини катталардан, жамиятда бўлаётган ҳаракатлардан кўриб-билиб улғайишади. Агар она тилига катталарда эҳтиромли муносабат, ҳурмат-эътибор бўлса, шубҳасизки, болалар ҳам бундан ўрнак олиши табиий. Болалар бу сананинг аҳамиятини узундан-узук маърузалар, илмий-назарий анжуманлардан эмас, байрам ва тантаналар орқали кўпроқ эса сақлаб қолишади. Ўз она тилининг нуфузини билиб, ҳис қила олган инсон эса, она юрти, миллати, миллийлиги ва ўзлигини ҳам албатта ҳурмат қилади.

Ғулом БОБОЖОНОВ

ХИРСУ ХАВАСИНГИЗГА ОДАМЛАРНИ ШЕРИК ҚИЛМАНГ

Кун келиб оёқ остидан унга
қулдек энгашиб олишингизга
сизни у мажбур қилиши мумкин



Зулфия
МУМИНОВА

*То хирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,
То зулму ситам жонига бедод ўлмас.
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас...*
Ҳазрат Алишер Навоий бобомиз-
нинг ушбу сатрларини такрор-такрор
ўқир эканман, яқинда интернет орқали
тарқалган, ижтимоий тармоқларда кенг
муҳокама этилган дабдала тўй мароси-
ми, унда келин-куёвнинг устидан қузги
хазон япроқлари янглиғ сочилаётган
пулларни кўриб ёқа ушладим.



Бу нима?

«Ҳавас килувдик...» – деб жавоб беришади.

Йўк! Бу ҳавас эмас! Бу хирсу ҳавас. Сизнинг ҳавасингиз ёнига хирс сўзи ёзилмоғи керак. Навоий ҳазратлари айтганидек «хирсу ҳавас хирмани», «нафсу-ҳаво қасри». Сизнинг ниятингизга хирс ва нафс аралашган.

Аслида олижаноб инсонларнинг олижаноб фазилатларига ҳавас қилинади. Аслида ҳалол меҳнат қилиб топганини, ўзидан ортганини муҳтожларга, беморларга, боқувчисини йўқотганларга, олий ўқув юртига контрактга ўқишга кириб, пулини тўлашга «қўли калталик» қилаётганларга, истеъдодли болаларни чет элларга спорт беллашувига боришига ҳомийлик қилганларга ҳавас қилинади.

Тўй – муқаддас маросим. Тўй кўпчиликини. Тўйнинг эгаси сиз бўлишингиз мумкин. Аммо, у кўлами ва таъсир доираси бўйича юзлаб одамларнинг иштироки, дийдорлашуви, хурсандчилиги, меҳр ва оқибатининг тажассумидир.

Тўй сиз шахсан бир киши билан ўтказадиган шакарғуфторлигингиз эмас. Тўй қадим кадрият. Уни сиз ўйлаб топганингиз йўқ. Унинг мақсадию мазмунига янгилик киритишга ҳаққингиз йўқ. «Пулм кўплигини бир дўсту душманимга кўрсатиб кўяйин» – дейсиз.

Атрофда сиздан юз баробар пули кўп, аммо саҳий одамлар борлигини биласизми?

Атрофда сиздан минг баробар пули кўп, аммо ақл билан ишлатаётган, топганини эзгуликка йўналтирган, оламшумул гоъларга сарфлаётган одамлар борлигидан хабардормисиз?

Билмасангиз билиб қўйинг. Улар топган пулларингизни келин-куёвнинг бошидан сочаётганингизни кўриб сиздан ихлоси қайтади. Шу ҳолатингиз билан сиз замондан орқага қолганлигингизни ошкор этиб турибсиз. Чунки, атрофда қатта даромад қилиб минглаб иш ўринлари яратиб берган азаматлар бор. Атрофда сиз бир кўшиқчининг бошидан сочаётган ўша икки, уч миллион билан бизнес бошлаб, бир-икки йилда юз миллионлаб фойда келтираётган тиниб-тинчимаслар бор. Бу хурмача қилиқларингиз уларнинг гашини келтиради.

Гап ош беришингиз, одамларга дастурхон ёзганингиз ҳақида эмас, ортқча дабдабозлигингиз ҳақида бормоқда.

Сизнинг бемор қариндошингиз йўқми?

Ишсиз юрган уқангиз, жиянингиз, моддий етишмовчилик туфайли оиласи нотинч опангиз ёки синглингиз йўқми?

Ётиб қолган маҳалладошингизнинг ёстиғи тағига ҳеч кимга билдирмай дорисининг пулини ташлаб кетолдингизми?

Йўк!

Атрофдаги соф ақл-идрокли одамларнинг энсасини қотирадиган яна бир хунук манзара – ёш болаларни оёқ остидаги сочилган пулларни териши... Улар гўдақлар, қайсисидир оёқлар остидан йиқилиб йўғлаган, қайсисидир қўлчасини 80-90 килограмм оғирликдаги одамлар босиб, эзиб ўтиб кетганидан додлагани учун онаси тўйхонадан кўтариб олиб чиқиб кетган, қайсисидир пул тероламганидан тўйхонани бошига кўтариб йўғлаган. Сизга шу ҳолат завқ бағишлайдими?

Сиз сочган ва оёқлар остидан эзилиб ётган пул бизнинг миллий валютаимиз ҳисобланади. У ҳам сизнинг шахсий буюмингиз эмас, у миллиатимиз мулки. Ундаги улуг сиймолар тасвирларини ерга ташлашга, топташга, устидан ўйин қилишга ҳаққингиз йўқ.

Тўйда меҳмон бўлаётганларнинг кўпчилиги ҳали ёшлар, улар атрофда рўй бераётган, қатталар қилаётган ишларни ўзлаштиришга мойил бўлади. Афсуски, сиз уларга ёмон намуна бўляпсиз. Бошқалар билан-ку сизнинг сариқ қақалиқ ишингиз йўқ. Улар орасида ўзингизнинг болаларингиз ҳам бор. «Қуш уясида кўрганни қилади» – деган нақл бежиз эмас. Эртага кесайганингизга топган тўрт тангасига гўздайиб, сўраган пулингизни қўлингизга бермай, оёғи остидан унга қулдек энгашиб олишингизга сизни у мажбур қилади. Тўйдан сўнг «Оёғим остидан одамлар эгилиб бир соат пул теришди» – деб, неча бор такрорлаганингизни ойландидаги фарзандлар эшитади. Афсуски, сиз улар учун энг зўр, энг қудратли одам бўлиб кўринасиз. Улар сизнинг хирсу ҳавасингизни бахт деб тушиниши мумкин. Афсус, афсус... Не бўлганда ҳам сизнинг пул сочиб, хазрати инсон боласини оёқларингиз остидан пул теришидан завқланшингиз эзгуликка хизмат қилмайди.

Ёшларнинг тарбиясига путур етказадиган ҳар қандай хатти-ҳаракат келажакка хиёнат эканини унуттишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

МИНГ ЙИЛЛИК ТУШОВ

(Ҳажвий кинофильм учун хомаки сценарий)

Эрамиздан аввалги беш минг йиллик. Ибтидоий одамлар манзилгоҳи. Эр-хотин тўй таъвишида.

Эр: – Гўшти (Ош деб ўқинлар – муаллиф) эрталаб берамизми, пешиндами?

Хотин: – Эрталаб келин томон берар экан, биз пешинда берганимиз маъқул.

Эр: – Хўш, кимларга нималарни кийдиришар экан, биз нима қиламиз?

Хотин: – Сизга йўлбарс терисидан, акангиз ва менинг акамга бука терисидан либос кийдиришар экан. Ўнта тери кийдиришмоқчи эди, харажати камайтира қолайлик дея учтага туширдик. Биз ҳам шунга яраша келиннинг отасига йўлбарс терисини, тоға ва амакиларига бука терисини кийдирамиз-да. Ҳаммасини тахт қилиб қўйганман (Бу ерда гап тўй ҳақида кетаётганини сезгандирсизлар – муаллиф).

Эр: – Қоятошга сурат чизувчилар (видеочилар – муаллиф) нима бўлди? Ахир тўйни тарихга муҳрлашимиз керак-ку?

Хотин: – Ўғлингизнинг айтишича, яхши сураткаш топиб қўйибди. Қоятошга зўр чизар экан. Казо-қазоларнинг тўй суратини қоятошга туширган экан.

Эр: – Яхши, агар яна битта сураткаш топса яхши бўларди. Бир эмас, иккита қоятошга сурат чиздирадик. Олов атрофида рақса тушувчиларни (артистлар демоқчи – муаллиф) топибдими? Нечта «бирровчи» келар экан?

Хотин: – Навбатда («дежур» демоқчи – муаллиф) номи чиккан битта гуруҳ бор. Ўртоқлари ҳам бир-иккита «бирровчилар»ни тўёна қилишар экан.

Эр: – Сарполар нима бўлди? Тўйдан кейинги овқат юборишлар борасида қуда билан гаплашиб олдингми?

Хотин: – Қуёвга хар бир фаслга мос равишда динозвр, фил, йўлбарс, айик, хатто ўзимизнинг кўй терисидан либос тайёрлаб қўйдим. Тўйдан кейин биринчи ҳафтасида кийик гўшти, иккинчи ҳафтасида мол гўшти, учинчи ҳафтасида қўй гўштиларини юбориб турадим. Гўштга қўшиб тоғдан териб тушадиган меваларни ҳам қўшиб юборсак яхши бўларди.

Эрамизнинг биринчи асри.

Оила қиз чиқариш таъвишида.

Эр: – Йигит нима иш қилар экан? Қизинг нима демоқда?

Хотин: – Катта шаҳарда, қатта ўқишда ўқир экан. Қизингиз кеча ундан қаптар орқали хат олибди. Яқинда келиб қолар экан. Қаптарлашиб (СМС ёзишиб – муаллиф) туришибди. Йигит ўссал аканинг қаптаридан файланар экан, қизингиз бўлайин аканинг қаптарини учирибди. Мен ўлмас аканинг қаптарларини тасвия қилдим.

Эр: – Э, бу ўқовининг қаптарлари қимматку. Ўзимизнинг қишлоқдаги Ўзқобил аканинг қаптарлари ишончли эди. Тўйдан гапир.

Хотин: – Қуёв навқарлари билан еттита аравада келар экан. Мен аравалар оддий эмас, балки Қўқон арава (ЖИП – муаллиф) бўлиши керак дедим. Қўшниллар ҳасаддан куйсин дедим-да.

2059 йил. Тошкент. Бир оила тўй таъвишини мутлақо ўйламаётми. Эр-хотин қат орқали (балки у вақтга келиб интернет бундан-да ривожланиб кетар – ҳар ҳолда одамлар юзма-юз эмас замонавий техника орқали гаплашадиган бўлишади) гаплашишмоқда:

Хотин: – Адаси, ўғлингиз кеча интернет орқали бир қиз билан танишибди, келаятган ҳафта тўй эмиш.

Эр: – Тўй қайси ресторанда бўлар экан, гамбургер кимнинг ҳисобидан бўлар экан? Кимларга тўй (узр, костюшим, куртка, плаш – деб ўқилсин) кийдирамиз?

Хотин: – Адаси, замондан орқада қолманг. Ош бериш 2030 йилларда урфдан қолган эди, унинг ўрнини эгаллаган гамбургерларни ҳозир ҳеч ким бермай қўйди. Қудаларга тўн кийдирилмаганига 50 йил бўлди. Қудага кийдирилмаган костюм-шим, плашларнинг ҳам даври 30 йилда тугади. Унинг ўрнига жинси шим ва жинси куртка кийдирилмоқда. Қудалар замонавий экан, бундан ҳам воз кечишибди. Тўй «Ватсап» орқали бўлади. Қариндошлар уйларида ўтириб ҳам, интернет орқали тўйда иштирок этишаверади. Келин ҳам узок Америкада яшар экан. Тўйдан кейин ўғлингиз билан «Ватсап» орқали гаплашиб туришар экан, қачон учрашиб қолиши ўшанда бирга яшашар экан...

P/S. Мана сизга интернетнинг фойдаси. Тўйларни ихчамлаштириш борасида қарор қабул қилишининг ҳождати ҳам қолмайди.

Айтганча, ўрта асрларга ўта олмадим. Тарихни ва урф-одатларимизни билмаслигим (туғеригоғи, ёзувчилик қобилиятим йўқлиги) панд берди.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ

ЎСМИР РУҲИЯТИДАГИ ҒАЛАЁНЛАР

Буни эшитяпсизми? Фарзандингиз қандай хавфга қўл урмоқчи эканидан хабарингиз борми?

Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида янги-янги буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, бу глобаллашув одамларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғарзли кучлар содда, гўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда.

Бундай кескин ва таҳликали шароитда ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада ошириши керак. Таълим тизимида ижтимоий-психологик муҳитни, психологик хавфсизлик тизimini яратиш нима учун долзарб эканини биласизми? Чунки бугунги кенг камровли таълим бир пайтнинг ўзида ўқувчи шахсининг муаммоларини ечишга ёрдам бериши лозим. Кучли тайёр-гарликка эга ўқитувчи, айниқса мактаб психологи, боланинг хулқи бузилиши олдини олишда асосий ролга эга бўлиши мумкин. Буни вақтида англамаслик эса ёшлар, айниқса ўсмирлар руҳиятидаги ўзгаришларнинг хавфли жиҳатлари билан намоён бўлади. Ўсмирнинг ўз жонига қасд қилиши ана шу хавфнинг энг чўққиси, дейиш мумкин.

Хўш, ўсмир нега ўз жонига қасд қилади? Бунга асосий сабаблар нима ва айбодори ким? Ёшларга шунча эътибор қаратилишига қарамай нега ҳамон ёшлар, ўсмирлар орасида суицид (ўз жонига қасд қилиш) ҳолатлари учрамоқда?

Мамлакатимизда ўсмирлар бўйича олиб борилган психологик тадқиқотлар шунини кўрсатдики, педагоглар, ота-оналар ва бошқа мутахассислар суицидаль хулқ-атвор шакллари ҳақида етарли маълумотга эга эмас. Аслида ўз вақтидаги кўрсатилмаган психологик ёрдам, ўсмирларни ҳаётнинг ҳар қандай вазиятларига астойдил тайёрлаш – бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиши шубҳасиз.

Таълим тизимидаги суицид муаммосининг олдини олишнинг ечими кадрлар масаласига боғлиқ. Биринчи гада мактаб психологи, ўқитувчи ва тарбиячини тайёрлаш лозим. Педагогика, психология, медицинага доир кўшимча тайёргарликлар ўқувчи руҳиятидаги бундай салбий ҳатти-ҳаракатлар олдини олишга ва муаммони моҳирлик билан ечишга ёрдам беради.

Болалар ва ўсмирларда ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари катталарникидан фарқ қилади. Ўсмирлар ўртасидаги ўлим сабабларининг 90 фоизи – бу ёрдамга муҳтожлик, нимадандир каттик «хайиқиш» бўлса, фақат 10 фоизи ихтиёрий жонига қасд қилиш ҳолатидир. Ўсмир ёши-



дигилар кўп ҳолларда «Кимни йўқотиб қўйишлари мумкинлигини билиб қўйишсин» қабалида катталар ёки севган инсонларнинг диққатини ўзларига қаратишга уринишади. Бу оддий «уриниш» эса аянчли яқун топади. Мисол учун бир ҳолатда бола ўз ота-онасини жазоламоқчи бўлиб, уларни дераза ойнасидан ишдан қайтаётганларини кўриб, ўзини осиб кўрkitмоқчи бўлади, аммо ота-она уйга киргунча қўшинга дуч келиб ушланиб қолади. Яна бир ҳолатда кизалок ўз томирларини қиркиб, йиғити билан «қайралиш» учун унга кўнғирок қилади, аммо йиғит унга ишонмайди ва ёрдам бериш кечикади...

Унутмаслик керак, боланинг ўз жонига қасд қилиш ҳаракатига аввало катталар жавобгардир! Ахир, ўсмирнинг қийин ҳаётӣ давридаги ўз вақтидаги қўллаб-қувватлашлар, симиий муносабат ҳар қандай фожиянинг олдини олишга ёрдам беради.

Болалар ўз ихтиёри билан ўлимни танлашгани жуда кўрkinчлидир. Ёнида бўлиб ёрдам беролмаганимиз, уларни тўхтата олмаганимизни эса кейин англаб етамиз. Кўпинча болага масъул бўлган нафақат устоз-мураббийлар, балки ота-она ҳам унинг ноумидлик чегарасига бориб қолганини билмай қолади. Ота-онанинг кейинги ҳар қанча чексиз изтироби эса беҳуда. Статистикага кўра, 77 фоиз оилада бола ўз жонига қасд қилиш оstonасида турганлигини ота-оналар ҳаттоки сезишмаган ҳам. Бундай болаларни қандай тушуниш мумкин? Уларга қандай ёрдам берса бўлади?

Бундай ишга қўл ураётганлар одатда руҳан кучли азоб-

ланаётган ва стресс ҳолатида бўлиб, ўз муаммоларини мустақил еча олмайдилар. Ўз жонига қасд қилиш, кўплаб руҳиятшуносларнинг таъкидлашича, атрофдагиларнинг тушунмаслиги, ёлғизлик, меҳр-муҳаббат етишмаслиги каби сабабларга бориб тақалади.

Суицидга олиб келувчи сабабларга яна бир қараш мавжуд бўлиб, мутахассисларнинг таъкидлашларича, яхши моддий таъминотга эга аҳоли ўртасида бундай ҳолатлар кўпроқ содир этилмоқда.

Бундай воқеалар бизнинг жамиятда ҳам учраётганлиги сабаби нима? Бу иллатнинг олдини олиш мумкинми?

Аввало, ўсмирларда ҳаётӣ позициянинг сусайиши суицидаль хулқ-атворга замин яратмоқда. Ҳаётӣ позициянинг сусайиши дезадаптация (нотўғри мослашish), зўриқиш, оилавий низоларнинг кескинлашуви, кекса авлоднинг ёш авлодга бўлган муносабати ва ҳоказолар билан боғлиқ. Иккинчидан, психологик сабаблар. Тан олиш кераки, ҳаётӣ инстинктлар бугунги авлодда анча сусайиб қолган. Яъни, бугунги замонавий киши ижтимоий муҳитга кўпроқ тобе бўлиб қолмоқда. Ижтимоий муҳит маълум бир ҳаётӣ омиллар бўлиб, матбуот, телевидения, интернет орқали инсонларга синдирилмоқда. Бунга мос келмаслик эса ўз ҳаётӣда коникмаслик ҳиссини вужудга келтирмоқда.

Олдий мисол. Ҳозир ота-оналар фарзандига дакки бериш жараёнида англаб-англамай «ўй», «туришнинг курсин», «бу кунни кўргундан кўра, ўлганим яхши» каби сўзларни ишлатади. Бу эса бола психикасига муҳрланиб, маълум бир дастурни синдиради. Иккинчи томондан, телевидения орқали берилаётган, турли диск ва электрон шаклда тарқатилаётган кинофильмлар,

интернет орқали тарқатилаётган чексиз маълумотларда ўлимга нисбатан лоқайдлик, баъзан эса хайрихоҳлик (энг даҳшатлиси, айрим ўринларда қувонч ҳиссини шакллантирувчи) ҳолатига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Ўсмирларда суицидга ҳаракат доимий равишдаги камситиш, яқинлар томонидан тан олинмаслик, эркинликни чеклаш, ичкилик ва гиёҳванд моддаларни қабул қилиш билан боғлиқ бўлган низоли вазиятлар, жинсий муаммолар туфайли вужудга келиши илмий исботланган. Вояга етмаганлар ўртасида содир этилган суицид ҳолатларининг 62 фоизи оиладаги низолар ва носоғлом муҳит, катталарнинг таъйик, айрим педагогларнинг лоқайдлиги сабаб бўлган.

Ўсмирларда тушкунликнинг олдини олиш суицид профилактикасини таъминлайди. Боладаги тушкунликни йўқотишнинг асосий масъулияти ота-она зиммасига тушади. Бола билан суҳбатлашиш, унинг аҳволи билан қизиқиш, келажак ҳақида гапириб, хамкорликда режалар тузиш даркор. Болани қўллаб-қувватлаб, ўзига, келажакка ишончли шакллантириш зарур, ўз мақсадига эриша олишига умид бериш керак. Қайфияти тушкунликда болани ҳеч қачон айлаб бўлмади. Ундан кўра, унинг шахсий фазилатларини янада орттириб кўрсатиш яхши натижа беради.

Фарзандингизни чаккон, аълочи, омадли тенгдошлари билан ҳеч қачон таққосланганг. Бундай ҳолат болада ўз-ўзини кадрлаш ҳиссини янада пасайтириб юборади. Ундан кўра, кечаги ҳолати билан бугунги ҳолатини солиштирингиз, катта ўзгаришларга эришаётганига унда ишонч уйғотинг. Иккинчидан, бола билан астойдил шуғулланиб, янгиликка интилинг, у билан янги машғулотлар, аввал қилмаган ишларни бир-

галикда бажаришга уриниб кўринг. Бола ўзининг кераклигини, бизнинг меҳрингизни туйиши зарур.

Агарда ўспиринда ўз жонига қасд қилишга мойиллик сезсангиз, аввало уни диққат билан тингланг. Қалбимиз азият чекаётганда ҳар биримизга бизни эшитишга тайёр одам керак бўлади ахир. Барча имкониятингизни ишга солиб, сўзлар ортида яшириниб ётган муаммони аниқлашга уриниб кўринг, ўзини кераксиз, ортқича ҳис этаётган одам учун биров унга далда бўлиши ва тушунишга ҳаракат қилиши уни сақлаб қолишда катта руҳлантирувчи куч бўла олади. Айнан, далда бериш орқали ёлғизланиб қолган қалбга йўл топиш мумкин.


Балки ўспирин жиндий руҳий кийинчиликларни бошдан кечираётган бўлиши мумкин. Унинг шикоят ва нолишларини диққат билан тингланг. Айтганларининг бирор-бир деталини назардан четда қолдирманг. У ўзининг хисларига эрк бермаслиги ва муаммолари борлигини сизга ошкор этмаслиги билан бирга ўта тушкунлик ҳолатида бўлиши мумкин. Аксарият ҳолларда ўспирин ўз муаммоларини очик-ойдин айта олганидан хурсанд бўлади.

Бундан ташқари, боланинг ўзини ҳис қилиш ҳолатлари ҳақида сўраб туриш, келажак ҳақидаги фикрларини билиш ва келгуси режаларини тузиши кераклиги ҳақида эслатиб туриш керак.

Сардор ХАМДАМОВ,
Ургут туманидаги
118-умумтаълим мактаби
амалиётчи психологи

ОЛАМГА ТУҒИЛГАНДАЙ,

«Янгийўлдавсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонасининг меҳнаткаш ва матонатли жамоаси тупроқ сиқимлаб, она заминдан битмас-туганмас ризк-насиба ундираётган, қўли қадоқ зироатчиларга камарбаста бўлмоқда. Бу уларга олам-олам қувонч, чексиз ва мислсиз мамнулик бахш этмоқда.



КУЗНИНГ ОҒУШИГА ЧУЛҒАНГАН ВАТАН

Эй, сузгун кўларингдан,
Кўларим узолмайман,
Тахрир керакмас газал —
Бир сўз ҳам бузолмайман.
Қандоқ жодугар кўз бу,
Киприк эмас — кундуз бу,
Оламега тугейгандай,
Айни саҳар юлдуз бу...

Ўзбек шеърятининг булбулзабон куйчиси, ўзининг халқона ва жайдари шеърлари билан аллақачон эл қалбидан муносиб жой олиб улгурган Ўзбекистон халқ шоири Миртемир жўшиб тараннум этганидек, кузнинг таровати ва жозибаси ўзгача. Чиндан ҳам, бугунги кунда ўлкамизда куз ҳукмрон. Унинг нафасини чексиз ва тароватли боғ-роғларга кўрк бериб турган улкан дарахлардан ерга чирт-чирт этиб узилиб тушаётган олтинранг япроқларда, осмонни тўлдириб аргамчи солиб қурай-қурай дея қанот қоқиб учаётган турналар парвозида, ползу даладарда фарқ пишиб етилган турфа мевалар, қовунларнинг жаннатий ифорида, тирамоҳнинг майин эсаётган елларида кўриш, илғаш мумкин. Зеро, шу тобда қалба «Дийрми, тагин ҳам сулувсан бугун, Тагин ҳам суюксан, менинг ардоқлим, Нечоғлик тўкиссан, нечоғлик тўкин, Дунё тургунча тур, қўли қадоғим» деган сатрлар жонлана бошлайди.

Яқинда Тошкент вилоятининг сўлим ва хушманзара манзилларида бўлганимда ажиб бир кўтаринкиликнинг шохиди бўлдим. Ана шундай шижоат билан меҳнат қилаётган жамоалардан бири «Янгийўлдавсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонасидир.

«ДУНЁ ТУРГУНЧА ТУР, ҚЎЛИ ҚАДОҒИМ»

Осмонда бир уюм бўлиб тўпланиб олган қорамтир, олачалоқ булутлар кенг ва бир учи уфқларга қадар чўзилган ёбонларни соясига бекитганича, ён-атрофдаги осмонга тиралиб, буруқсаб ётарди. Шу маҳал аллақерларга беркиниб олган офтоб чарақлаб чиқдида, кенг фалакдаги сон-саноксиз, тумтайиб турган булутлар лашкари-

ни тум-тарақай тарқатиб юборди. Хаво худди эрта баҳорда лаб очган анвойи гуллардек, бирпасда чаппар уриб очилиб кетди. Чексиз ёбонларга сентябрнинг ўрталарида қадалган, ям-яшил бўлиб қолган буғдой майсалари бу сингари мислсиз «меҳрибончилик» учун шукрона айтган сингари бошини майин елларга оҳиста силкитиб кўйди. Кеча кечкурун ёққан ёмғирдан сўнг тош ётқизилган йўлда бижғиб ётишга ҳали улгурмаган қўлмақчалар онда-сонда кўзга чалинади. Осмонда қушлар гужғон ўйнайди. Қалдирғочлар галаси ўқдек учгани-учган. Дашт ва адирлар куйчиси ҳисобланган турғайлар худди осмонда маълум бир вақт туриб қолган вертолётдек бир нукта устида бамайлихот қора қушлар ниманидир кўшиқ қўлиб юборади. Ундан хийла нарида уч-тўртта туки йўқ, бахайбат қора қушлар ниманидир кўшиқ қўлиб юборади, доира солиб айлангани-айланган. Ана шу қора қушларга кўзи тушган инсон зотини дастлаб эти жунжикиб, сесканиб кетиши ҳам бор гап-да.

Бундай ҳолатга «Янгийўлдавсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонасида тер тўкаётган «замин шифокорлари» аллақачон кўникиб кетган кўринади. Негаки, улар бир учи чек-чегарасиз уфқларга қадар чўзилиб кетган, кимсасиз манзилларда меҳнат қилганидан кейин, бундайин ҳолатларга ҳадеганда аҳамият қаратавермайди. Чиндан ҳам бу инсонларнинг кўп вақти бола-чақасидан узокда, кенг ва саховатли далалар бағрида кечади. Ахир ернинг ҳолатини яхшилашнинг ўзи ҳам чакана иш эмас. Ҳар не бўлганда ҳам,

улар бу ишнинг устаси, қумири бўлиб кетишган.

САХОВАТИН ДАРИФ ТУТМАС ОНА ЕР

Ер битмас-туганмас ҳазина. Чиндан ҳам унинг бағрида етилган турфа ноз-неъматлар халқимиз дастурхонини безайди, ҳаётини фаровон этади. Бир сўз билан айтганда, тўқисликка йўл очади.

Аслида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ердан зироатчилик маҳсулотларини ундириш — бу билан бозорларимиз мўл-кўлчилиги, эл дастурхони тўқинлиги манбаидир. Барча меҳнатларимиз, саяб-харақларимиздан мақсад ҳам шу аслида. Шу важдан қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни барқарор тарзда ревож топтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб, ўнглаб бориш, унумдорлигини, ҳолатини меъёр даражасига келтириш ҳамда шу асосда экинлар ҳосилдорлигини кўпайтириш, шунингдек, мелиорация ишларини ташкил этиш ва молиялаштириш механизмини тақомиллаштириб бориш бугунги куннинг ўта долзарб, халқ эши зарур бўлган масалалари сирасига қиради. Ана шу ҳолат инобатга олинб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги муҳим фармони қабул қилинди. Мелиорация соҳасида тизимли ва улкан лойиҳалар амалга оширилиб, суғориладиган ерларнинг ҳосилдорлиги ўсишига,

қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари даромадларини оширишга кенг имкониятлар яратилди. Эндликда юқоридаги муҳим ҳужжат асосида 2017-2022 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш назарда тутилган комплекс дастур ишлаб чиқилди.

Биласиз, экин-тикинни вақтида пишиб-етилишида сув муҳими ҳисобланади. Бу эса мелиорация шохобчаларининг самарали ва доимий ишлашини, дренаж ва оқова сувларнинг коллектор-дренаж тармоқлари орқали меъёрда кўзда тутилган ҳолда чиқарилишини таъминлайди. Шу асосда сув хўжалиги ташкилотлари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаб, мелиорация техника саройини босқичма-босқич янгилаб боради.

«Янгийўлдавсув-махсуспудрат» давлат унитар корхонаси фаолиятини йўлга қўйганидан буён ўз теъарағига қарийб етмишга яқин ишчи-хизматчиларни жамлади. Бу меҳнаткаш ва ақил жамоа зиммасига юклатилган вазифалар жуда масъулиятли.

— Негадир, кўп ҳолларда орият, номус ҳақида гап кетса доно халқимиз мардона туриш сўзига кўздек азиз қарайди, — дейди «Янгийўлдавсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонаси директори Акмал ХОЛТЎРАЕВ. — Ёшлигимда отам ор-номусни доимо маҳкам тут, айтган сўзингда тур, лафзингда қайтма, дея қулоғимга худди кўроғиндек қўйиб келган. Ана шу доно ўғитлар ҳали ҳамон юрсам ҳам, турсам ҳам сира-сира хотирамдан кўтарилмайди. Берган лафзининг, ваъданинг масъулияти бўлишини ич-ичимдан сезаман. Ўша кезлари, яъни болалигимда ичи лойу балчиқкалик тўла, камишу-киётлар гужғў бўлиб ўсиб ётган зовурларни кўрганимда ич-ичимни қандайдир тушунарсиз хислар қамраб оларди. Улғайсам ана шу ҳолатга барҳам бераман,


деб ўз-ўзимга бир неча бор сўз бергандим.

Хайрият, ана шу орзуим ниҳоят рўёбга чиқяпти. Очиғи, шунга ўхшаш қийин, азобли ишни бўйнимга олиб, эл-улусни бир бор хурсанд қилиш менга қандайдир қаҳрамонлик бўлиб туюлар эди. «Эл-улуснинг ошини кўп еганлигим учунми, улар олдида ўзимни доимо бурчли деб билардим. Ўтган йиллар давомида ўнлаб худудларда коллектор ва дренажларни тозаладик, янгиларини қазиб топширдик. Нагжида ўша манзиллардаги аҳолининг томоқлари ҳолати яхшиланди. Дарддан инграб, ўзини тамомила олдириб қўйган беморни кўрган бўлсангиз керак. Бечора беморни оёққа туришга ҳам ҳоли бўлмайди. Худди шундай ҳол бизни боқадиган ернинг бошига ҳам тушган эди. Ана шундай қалтис вазиятдан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш туфайли чиқиб кетдик. Бундан биринчи галда шу манзилда истикомат қилаётган ерли аҳоли ниҳоятда шод бўлди. Одамларнинг юз-кўзидаги, мислсиз қувонч ва бахтиёрликни кўриб чеккан чарқоқларим худди тумандек тарқаб кетади.

Корхона директори Акмал Холтўраевнинг таъкидлашича, жамоа минтақанинг барча туманларида фаолият юритар экан. Агар зарур бўлса, қўшни вилоятлар фермерлига ҳам беминнат кўмаклашилар экан. Биргина, 2018 йилнинг ўзида давлат дастурига биноан жами 8 миллиард 30 миллион 481 минг сўмлик ишлар бажарилди. Бу мақсадлар учун ҳукумат етарли миқдорда ишчи кучи ҳамда техникаларни ажратиб берган. Жорий йилда ҳам юқоридаги ишларнинг давоми сифатида ирригация-мелиорация объектига хизмат кўрсатиш учун «Тошкент сув қурилиш инвест» давлат унитар корхонаси бюртмачилигида жами 9 миллиард 306 миллион сўмликдан зиёд пудрат шартномалари тузилган эди. Бугунги кунда барча объекتلарда иш ҳар қачонгидан ҳам қизгин тус олган. Мақсад-муддоа ерларнинг ҳолатини ўнглаб, эл-улус маъмурчилигига, фаровонлигига муносиб улуш қўшишдир.



АЙНИ САҲАР ЮЛДУЗ БУ...



ОСМОНДА БАЛҚИГАН ОЙ

Негадир кўк юзи тунд, змиё тундек қоронги. Ханузгача тўлин ойу, сон-саноксиз ситоралар балқиб чикканича йўк. Ҳамма томони очик далада «замин шифокорлари» ёкиб турган гулхан ушбу қоронгу тун куйнида жуда ҳам кичик зарра бўлиб кўринади. Гулхан устидаги ёғочга осиб кўйилган, қора чойдиш ўтин устига кўкрагини берганича жизиллаб турар эди. Корхона раҳбари Акмал Холтўраевнинг юрагини қувончга, завққа, озод бир кучга тўлатиб юборган офтоб мисоли чўнг ёруғлиқнинг боиси туну кун жонини жабборга бериб тер тўкаётган ишчиларнинг мислсиз матонати эди. Қаранг, уларнинг ишга беҳад меҳр-муҳаббати боис хийла мураккаб бўлган вазифа вақтидан илгари уддаланди. Юз-кўзларидан азму-шижоат, ўзгача ғайрат балқиб турган Акмал ака ҳамроҳларига бир-бир қараб олдида, «Акалар, бундан кейин ҳам иш суръатини бир дақиқа бўлса-да сусайтирмаслик керак. Негаки, айнан шундай йўл тутилсагина кўзлаган маррани забт этиш хийлагина осонлашади. Ахир, сизу бизнинг ишимизни қай тариха бажарилганини ариғу каналларни, коллекторларни ёқалаб юрилганда билиб олиш мумкин бўлади. Ҳаёт жуда ажабтовур. Нега деганда, бундайроқ чолғу ҳам яхши устознинг қўлига тушса, ажойиб, кўнглини сел килувчи оҳанглар чиқарганига жуда кўп бора гувоҳ бўлганмиз-ку! Ўз соҳасининг пири бўлиб, эл-улус назарига тушган мутахассис ҳам шундай. Масалан, биз қазиган коллектор ва дренажлар она замин бағрини зулукдай сўриб, унинг тинка-ю, мадорини қуришдан сақлаб қолади. Натижада замин эркин, бамайлихотир хордик чиқаради. Қолаверса, у пишиб-етишган турфа ноз-неъматлар билан одамларни хушнуд этади. Ўтган йиллар давомида амалга оширган талай ишларимиз бизнинг шундай фикр юритишимизга имкон туғдиради.

Дарҳақиқат, корхона жамоаси азму-шижоати билан сўнгги йиллар бадалига минтаканинг Янгийўл, Чиноз, Юқори

Чирчик, Оккўрғон сингари жуда кўплаб худудларидаги ерларнинг ҳолати яхшиланди. Ер ости сувлари, шўр, зах сингари офатлар чекинди.

РЎЗҒОР ТАШВИШИ

Икки ёш, яъни эр-хотин маълум бир вақт ота-онаси билан тургандан сўнг, бир кун келиб алоҳида рўзғор қилиб, янги жойга кўчиб чиқади. Бир товукка ҳам дон, ҳам сув даркор бўлганидек, янги оила ҳам талай нарсаларга ўзида зарурат сезади. Азалий одат, анъанага кўра бундай кезде хўжалиқнинг кам-кўстини энг аввало, ота-она ёки яқинлари бут қилиш пайида бўлади.

Шу маънода, бундан анча йил аввал ташкил этилган корхона ҳам давтаввал янги рўзғор тузганлар ҳолатига тушганди. Аста-секинлик билан мазкур ташкилот ҳам ирригация-мелиорация юмушларини рисоладагидек, кам-кўстсиз уддалаш учун барча нарсаларга эга бўлди. Худди, боя айтиб ўтганимиз рўзғор кам-кўстини бутлаб, яхши яшашга қулай имконият яратиб берилгани каби.

Зарур бино ва иншоот, ишлаб чиқариш цехлари, транспорт ва техникалар, коммуникация тизимлари дегандай. Ўн еттита экскаватор, тўртта бульдозер, юк транспорт воситалари, пайвандлаш агрегатлари, дала вагонлари, таъмирлаш цехи, темирчилик устaxonаси, омборхона, ёқилғи қўйиш станцияси – хуллас зиммадаги масъулиятли топшириқни ўз вақтида уддалаш учун барча нарса муҳайё.

«Янгийўлдавузмавхуспудрат» давлат унитар корхонасида амалга оширилаётган ишларга разм сола туриб, кўз ўнгимда сон-саноксиз вагонларни ҳечам қийналмасдан, ортиқча зўриқмасдан, бемалол тортиб кетаётган тепловоз гавдаланди. Таъбир жоиз бўлса, камина мазкур жамоани вагонларни яъни составни судраб кетаётган

тепловозга ўхшатган бўлардим. Сабаби, вагонларнинг борар манзили аниқ бўлганидек, жаммо амалга ошираётган юмушларнинг ҳам кўлами, салмоғи бағоят улкан.

Яқин ўртадаги аҳоли яшаш манзилига ўрнатилган радиоканрайнинг мусикаси майин ва оҳиста эсаётган сабода бир пасайиб, бир баланлашиб, «замин шифокорлари» ишлаётган худудга ҳам баралла эшитилиб турарди. Бир қараганда бу ҳолат унчалик ҳам ишчиларни ўзига жалб қилмасда-да, аҳён-



аҳёнда таралган ўйноқи, қувнок кўшиқлар юракка чўғ солади. Қайфиятни кўтариб, инсонни яшашга бўлган қизиқишини оширади.

«Мана, топшириқни сира кечиктирмасдан бажардик», – деди микти гавдали экскаваторчи шерикларига юзланиб. Осмон очик. Ҳавода мезонлар учиб юрибди. Шамоқ димокка турфа хил ноз-неъматлар ифориини олиб келади. Кимдир маккажўхори поясини трактор тиркамасига жойлаш билан банд бўлса, бошқалар пахта пайкалида оқ-олтин териш билан андармон. Хуллас, бош қашинга фурсат йўк. Ана шундай бир паллада корхона бош мутахассиси Акбарали Усмонов билан бироз суҳбат курдик.

– Биласизми, оилаларнинг кунига ярайдиган, уларни тўйдиряётган мана шу ерни хар қанча эъозласак озлик қилади. Нега, деганда у худди онамиз мисол саҳий, кечиринми. Она барча ситамларни ўзига олгани

сингари, замин ҳам одамзоднинг барча захматларидан кўз юмади, – дейди «Янгийўлдавузмавхуспудрат» давлат унитар корхонасининг ишлаб чиқариш ва шартнома муносабатлари бўлими бош мутахассиси Акбарали Усмонов. – Шунинг учун унинг бири ўн, минг, миллион бўлади. Бу нарсага ҳайратланмай бўлмайди. Демокчи бўлганим шуки, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан боғлиқ ишлар тобора кенг қўлам касб этапти. Яхшиси, фикрларимни аниқ рақамлар тили билан ифода-ласам.

Корхонамиз томонидан ўтган йили давлат дастурига асосан жами 8 миллиард 30 миллион 481 минг сўмлик, шундан, мелиорация объектларини тизимли таъмирлаш тиклаш ишларида 1 миллиард 428 миллион 944 минг сўмлик, мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларида 3 миллиард 746 миллион 900 минг сўмликдан ортик ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларида 989 миллион 214 минг сўмлик ва бошқа объектларда 1 миллиард 865 миллион сўм-

ласа, роҳатини кўради, жамоанинг рўзгорига нафи, фойдаси тегади. Корхонада фойда кўпайса, давлат иқтисоди бақувват бўлишига, одамларнинг яшаш шароити хозиргиданда яхшиланишига чин кўнглидан ишонди. Қаранг, оддий ва лўнда бу ҳаётини хулосани «замин шифокорлари» миясига мустаҳкам қилиб жойлаб олишган.

Корхонада Обид Файзиев деган механизатор йигит бор. Ўзи ям улди-шудли, кўнгли очик, ўт-олов йигит. Қачон қараманг, уни далада қудратли техникага парвона бўлиб турган ҳолда уч-ратасиз. Обиджон билан бирга ишлайдиган, аравани биргаликда тортадиган Зоқир Юлдошев, Бахтибек Сафаров ҳам ўз ишининг кўзини биладиган машина хайдовчиларидан. Уларнинг нияти белгиланган майдондаги зовур, коллектор, дренажларни тозалаш, қазиб, миришкорларга топшириш, аҳолининг қувончига шерик бўлишидир. Шу важдан улар доимо режа ва топшириқларни ўз муддатда бажаришга тиришади. Юқорида номлари тилга олинган жамоа ишчилари ҳамда корхона ишлаб чиқариш ва шартнома муносабатлари бўлими бошлиғи Шавкат Мелибоев, реконструкция бўлими бошлиғи Жамшид Хушманов ва бошқаларнинг астойдил ҳаракати сабаб корхона зиммасидаги ишларни уддалаб, яхшигина даромад олмақда. Кўрилган фойдадан ишчилар қўлига тузуккина муқофот тегади.

Яна бир гап. Корхона раҳбариятининг узлуксиз ва доимий тарздаги саъй-ҳаракати билан иссиқхона ҳамда ёрдамчи хўжалик ташкил этилган. Бу ерда етиштирилаётган ноз-неъматлар ишчилар дастурхонини беэайди.

Жамоадаги барча оилаларда ахиллик, жипслик, бир-бирига хурмат, иззат-икром юксақ, ҳавас қилгулик. Албатта, фарзандлар ҳам ота-оналари издан бориб меҳнатга муҳаббат руҳида тарбия топмоқдалар. Улар келажакда қайси касбада ишлашидан қатъи назар ота-оналари ва эл-улус ишончини оқлаб, яқинларини шоду-хуррам этишса, шунинг ўзи кифоя.

Хулоса қилиб айтганда, «Янгийўлдавузмавхуспудрат» давлат унитар корхонасининг кўп сонли ахил жамоаси истиклол даври янгиликлари моҳиятини тўла-тўқис англаб, янгича ишлаш, янгича ҳаёт, янгича турмуш тарзини яратувчилар сифатида бўлишга астойдил тиришиб-тирмашмоқда. Аслида уларнинг бу сингари барча саъй-ҳаракатлари ердан кўпроқ ризк-рўз яратиш, эл-улуснинг рўзғори тўқинлиги, фаровонлигини таъминлаб, орзу-умидлари ушалишига қаратилган.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
«Оила даврасида» муҳбири

Ижтимоий
тармоқлар
оралаб...
Жасур Кенгбоев
09.27

Дарз кетаётган нарсалар

Айтишларича, Ой сайёраси дарз кетиб, иккига бўлинибди. Ишонини кийин, лекин дунёда нималар бўлмаслиги мумкин...

Умр ғанимат, жон омонат, дарз кетувчи нарса кўп.

Худо асрасин-у, хаёлга эрк берсангиз, инсоният оёғи остидаги Ер-чи, деган ичкиш савол одамни кийнайди...

Кўзи ўнг бўлсин-у, одамлар ҳам иккига бўлиниб кетса керак.

Яхшилар ўнг томонга, ёмонлар сўлга.

Шахарликлар ўнгга, қишлоқликлар чапга.

Ёшлар ўнг тарафга, қарилар чап тарафга.

Кирилл алифбосида ёзадиганлар ўнгга,

лотиндагилар чапга.

Пропискаликлар ўнгга, пропискисизлар чапга.

Уюшган ёшлар ўнг томонга, уюшмаган ёшлар чапга...

Яхши хотин-қизлар ўнгга, «махусус рўйхатга» тўғри келадиганлар чапга...

Кийинишдан шахарликларга ўхшайдиган ўнгга, кийинишдан вилоятликларга ўхшайдиган шахслар чапга...

Барибир, жиддий гап ҳазилга томон кетиб қоляпти. Лекин начора, мана шундай иккига бўлиб ташланаётган жамият олдида Ойнинг бўлиниши нима бўлибди...

Аммо, ўша хавотир хавотирлигича қоляпти: нима бўлинса ҳам, Қалб бўлинмасин, оқибат ва меҳр-шафқат бўлинмасин. Хамагга бир кўзда қарай оладиган ИНСОФ бўлинмасин...

Жасур КЕНГБОЕВ

Мақсуд Жониhoнов
18.48

Эл қатори...

Тўртта қишлоқ битта жамоа ҳўжалигига қарарди. Битта раис бор эди. Тўртта қишлоқни гуллатган, қўчаларини асфальт қилган, кинохона, кутубхона, иккита мактаб қурдирган эди. Одамларни рози қилган эди. Раиснинг уйи оддий одамларнинг хонадони билан бир хил эди. Аҳли аёли: «Раис деган номга яраша баланд уйлар қуриб беринг» деганида, «Йўқ, одамлардан андиша қиламан», дея жавоб берган экан.

Раис бобо ўтиб кетди. Ҳозир ғирт бекорчининг ҳам уйи дангиллама. Раиснинг фарзандлари топарман-тутарман. Лекин уйни таъмирлашмайди. Мунгайиб қолган уй бизга ҳалол, покиза, содда ва дўлвор раисимизни эслатади. Яқинда шу раиснинг ўғлидан сўрадим: «Нега уйни янгиланмайсизлар?» У жавоб берди: «Отам рухсат бермаган. Ўлганимдан кейин ҳам уйни янгиланганлар, одамлар раис роса бойлик йиққан экану, уни яширган эканда, деб гапириб юрмасин. Гўримда тинч ётай, деган эди».

...Одамларнинг яшаш тарзидан келиб чиқиб шунга монанд ҳаёт кечирадиган раҳбарлар, қаердасиз?

Отасининг обрўсини ўйлаб, андишани баланд тутган фарзандлар бор бўлинг!

Бундай фарзанд бўлиш учун озгина фаросат керак, холос...

Мақсуд ЖОНИХОНОВ

ИНСОН ОРГАНИЗМИ 24 СОАТ МОБАЙНИДА...

Тунги 1.00: айна шу вақтда инсон ширин уйкуда бўлса-да, организм ҳар қандай касалликларни сеза олади. Бўлар-бўлмас товушга ҳам уйғониш мумкин.

2.00: жигардан бошқа тананинг барча қисмлари пассив ҳолатда бўлади. Жигар айна шу дамда организмдаги захарларни ўлдиради.

3.00: тана тўлиғи билан секин ишлаб бошлайди. Бу вақтда инсоннинг қон босими энг қуйи босқичда бўлади. Нафас олиш ва қон томирлари жуда секин ишлайди.

4.00: қулоқнинг эшитиши яхши ишлаб, салгина овоз эшитилса ҳам одам дарров уйқудан уйғонади. Статистикага кўра, беморларнинг кўпи шу вақтда кўз юмар экан.


Тонгги 5.00: буйраклар бир қолипда ишлаб, шу маҳалда турганлар кун бўйи тетик юра олади. Одамларнинг кўпчилиги бу пайтда умуман туш кўрмайди.

6.00: қон босими кўтарилиб, юрак уриши тезлашади. Агар инсон ўзи ухлаб ётса ҳам, унинг бадани уйғок бўлади.

7.00: организм вируслар билан бактериялардан тозаланди.

Эрталаб 8.00: тана дам олиб, жигар ҳар қандай захарли моддалардан тозаланиб, дам олади. Бу вақтда спиртли ичимлик ичилганда бошқа вақтдагига нисбатан жигарга қатта зиён етади.

9.00: инсон руҳий жиҳатдан фаол бўлиб, касални сезмай қолади. Юрак



шу дақиқаларда яхши ишлайди.

10.00: одам соат ўндан тушгача ҳар қандай оғир ишни бажара олади. Сабаби организм кучга тўлган бўлади.

11.00: юракнинг уриши секинлаб, бир қолипга туша бошлайди. Оғир ишларни қилишда ҳаммадан ҳам мускулларга, мияга куч келади.

12.00: қоринни ўта тўйғазиб олиш ярамайди. Сабаби бу вақтда организмдаги барча аъзо ҳаракатда бўлиб, ошқозонга юклама ошиб кетади.

13.00: Жигар «дам олишга чиқиб, қон айланиши кучаяди. Қанчалик ҳаракат қилсангиз ҳам организм дам олишни хоҳлаб, иродангизни енгади.

14.00: бу вақтда инсон организм тўла дам олиб, сизга умуман бўйсунмайди. Юрак уриши бошқа вақтдагидан секинлашади.

15.00: барча органлар уйғониб, овқатга иштаҳа пайдо бўлади. Қандай овқат ейишдан қатъи назар, ошқозонда яхши ҳазм бўлиб, семиртирмайди.

16.00: қондаги қанд миқдори оша-

ди. Бу вақтда ширинлик истеъмол қилишдан воз кечганингиз маъқул.

17.00: энергиянгиз ошиб-тошмаса ҳам, организмнинг ўзи қора ишга яроқли бўлади. Аксарият спортчилар соат 17.00-19.00 оралиғида машқ қилади.

18.00: ҳеч қандай иш бўлмаса-да, организм ҳаракатда бўлишни хоҳлайди. Руҳий фаоллик шу дақиқадан бошлаб пасая бошлайди.

19.00: қон босими кўтарилиб, инсон руҳияти барқарор ҳолатда бўлгани билан асаб зўриқиб туради. Бош оғриқлари борлар учун қийин вақт.

20.00: барча нарса ҳаракатда бўлади. Айнисса, хайдовчилар учун қулай вақт. Инсон организмни тезликни хоҳлаб қолади.

21.00: инсоннинг руҳий ҳолати жойига қайтади. Шу вақтда талабаларга ёки актёрларга ёдлаш учун қулай вақт ҳисобланади.

22.00: тана ҳарорати пасаяди, юрак уриши секинлашиб, организм тинчликни хоҳлаб қолади.

23.00: тана дам олишга ҳозирланиб, ҳаракатни ёқтирмайди. Мия маълумотларни ёмон қабул қилгани сабабли китоб ёки газета ўқиш тавсия қилинмайди.

24.00: куннинг охири соати туш кўришга қулай вақт. Биргина тана эмас, инсоннинг мияси ҳам бир қулик хулосани чиқариб, ўзига керакли нарсаларни илғаб олади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ИНТЕЛЛЕКТ

Тил бойлигимизни аниқлаймиз?

Кўнгли ... кетмок. Бирор нарса ейиш ёки ичишни ниҳоятда хоҳламок.

Кунлардан бир кун бир мўйсафид бозорга балик олиб келди. Шокиржон буни кўрдию, кўнгли ... кетди (журналдан).

Секинлик билан имиллаб иш тутадиган одамга нисбатан ишлатиладиган сўзнинг пароними нуқталар ўрнига мос келади.

Диққат савол:

нуқталар ўрнида қандай сўз бўлиши керак?

Жавоблар келгуси ҳафтанинг сешанба кунин соат 15:00 гача қабул қилинади.

Электрон манзил:

info@od-press.uz

Телефон: 0 (371) 234-91-82

Telegram: (+99897) 444-80-84

Газетамизнинг 2019 йил 3 октябрь 41-сонида берилган саволнинг жавоби: *вазир анор келтирган.*

ПАЗАНДАЛИК

САБЗИЛИ ПЕЧЕНЬЕ

Оддий масалликлардан, айнисса, қизил сабзидан ниҳоятда мазали пишириқлар тайёрлаш мумкинлигига ишонини кийин. Аммо уларга солинадиган долчин печенье-ларнинг жуда хушбўй ва мазали чиқшини таъминлайди.

Масалликлар: 200 грамм қизил сабзи, бир чимдим туз, 100 грамм шакар, 1 та тухум, 1 чой қошиқ истеъмол содаси, 1 чой қошиқ лимон шарбати, ўсимлик ёғи, 1 чой қошиқ долчин, 70 грамм майиз, 350 грамм ун.

Тайёрланиши: Сабини қирғичнинг майда тишидан чиқариб, шарбатини сиқиб оламиз. Тоғорачага туз, шакар ва тухум соламиз. Истеъмол содаси устидан лимон шарбатини қуйиб, уни ҳам тоғорачага қуямиз. Сўнг эса сариёғ, долчин ва қирғичдан чиқарилган сабини қўшамиз. Уни элаб соламиз ва хамир қорамиз. Узумни ҳам қўшамиз. Хамирдан бир хил ҳажмдаги шарчалар ясаб оламиз ва патнисга териб, устини бироз пишиб чиқамиз. 180 даражада қизган печда 20-25 дақиқа давомида пишириб оламиз. Ёқимли иштаҳа!



ТАБАССУМ 😊😊😊

Метрода илк бор

Метро кечкурун ҳамма ишдан, ўқийшдан қайтаётган пайтда тикилинч холда бекатга тўхтади. Метро эшигига киришга қийналаётган бир талаба: — Бунча одам кўп. Сигармиканмиз?.. — деса, иккинчи талаба ҳеч иккиланмай шундай дермиш:

— Кейинги метрога пулни қаердан оламиз. Бўлди... шунда кетамиз...

OILA
DAVRASIDA
iltimol-slyoely, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси тахририяти масъулияти чекланган жамияти

Бош муҳаррир
Хусниддин БЕРДИЕВ

МУАССИСЛАР:

Фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши;
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабан»; «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази.

Газета тахририят компютерерида терилди ва саҳифаланди.

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-роқам билан рўйхатга олинган.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шавкат Жавлонов, Қудратилла Рафиков, Коммуна Ирисбекова, Дилором Тошмухамедова, Ином Мажидов, Элмира Боситхонова, Алишер Саъдуллаев, Мизроб Бўронов, Муродулло Холмухамедов, Мухаммаджон Қуროнов

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темури 1-топ кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Буюртма: Г-1037
ISSN 2181-6190
Авад: 2 865 нуска.
Нархи: келинбўв асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилган.
Чоп этишга тошйирлиди: 19:00

ISSN 2181-6190



12 156